*Мустақилликнинг 4 йиллиги олдидан*

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ – ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

## КОСАСИ ОҚАРАЁТГАН ХЎЖАЛИК

***ИҚТИСОДИЙ** ислоҳотлар чорвачилик соҳасида қийин кечаётгандек, назаримда. Чунки ҳали бу соҳада эскича иш услубига муккасидан кетган раҳбарлар талайгина. Шунинг учун ҳам тармоқ ҳадеганда ривож топиб кетмаяпти.*

Лекин, изланиб, имкон қадар ҳаракат қилиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўзгалар мададисиз ҳал қилиб, йўқни йўндираётган чорвадор фермерлар, хўжалик раҳбарлари ҳам кўп. Улардан бири Нурота туманидаги «Нурота» жамоа хўжалиги раиси Фазлиддин Аҳмедовдир.

— Хўжалигимиз тарихида биринчи маротаба 1705 гектар ерга арпа ва буғдой экдик. 120 гектар лалми ерга беда экиб, унинг ярмини суғориладиган майдонларга айлантирдик, — дейди раис — Балки, сўзларим ажабланарли туюлаётгандир. Тўғри, бизда сув танқис, шунинг учун ҳам оқова сувлардан фойдаланаяпмиз. Шу сувларга ишониб 10 гектар майдонга қовун-тарвуз, 1 гектар ерга пиёз, помидор экдик. Тоғдаги 1 гектар ерда эса картошка парваришланаяпти. Икки минг тупдан ортиқ терак кўчати қадаганмиз.

Бу рақамлар деҳқончилик соҳаси мутахассислари назарида жуда оз туюлиши мумкин. Лекин, хомаки ҳисоб-китобларга кўра, шу маҳсулотлар билан хўжалигимиздаги болалар боғчаси,мактаб ва интернатни ўзимиз таъминлаш имконига эга бўламиз. Чорвачилик соҳасида ҳам талайгина ютуқларга эришдик. Хусусан, йилқичилик ривожига алоҳида эътибор бераяпмиз. Ҳозир 430 та отимиз бор. 11 та туя сотиб олдик. Яқин кунларда хўжаликдаги 100 та отарнинг ҳар бирига биттадан от ажратамиз.

Бугунги кунда чорвачилик маҳсулотларини сотиш, харидор қидириб топиш анча мушкул бўлиб турибди. Биз бу борада калаванинг учини топгандаймиз. Хўжалигимиз ва Ростов-Дон шаҳридаги «Калинка» корхонаси ўртасида тегишли шартнома тузилган. Биз уларга қоракўл тери етказиб бериб, эвазига, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, ветеринария дори-дармонлари ва ер қаъридан сув тортиб олувчи қудуқ моторлари оламиз.

— Юртбошимиз таъкидлаган бир «аччиқ ҳақиқат»га алоҳида урғу беришни истардим, — дейди суҳбат сўнггида Ф. Аҳмедов. — Хомашё етказиб берганнинг косаси ҳеч вақт оқармайди. Шу боис биз ўзимизда қоракўл теридан харидорбоп кийим-кечаклар тикишни йўлга қўйганмиз. Хуллас, даромад келтирувчи неки соҳа бўлса хўжалигимизнинг иқтисодий равнақи йўлида барчасидан имконият қадар фойдаланаяпмиз.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Фарғона вилоят «Тадбиркор» банки айни кунда 5 мингдан ортиқ ишбилармон, тадбиркор, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган 5 ой мобайнида банк ўз мижозларига 40 миллион сўмдан ортиқ ссуда берди. Айни кунда вилоят туманларида банкнинг 17 та бўлими ишлаб турибди.*

**СУРАТДА: банк кридит бўлими бошлиғи Олимжон Ҳакимов; Боғдод туманидаги «Тадбиркор» банки бошлиғи Абдухолиқ Аҳмедов; тумандаги «Акмал» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Муҳаммаджон Деҳқонов ва уста Шарифжон Усмоновлар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## ХЎЖАЙЛИ АНТИФИРИЗИ

Хўжайли шаҳрининг очиқ турдаги «Мой» ҳиссадорлик жамияти қошида очилган кичик корхонада автомобиллар учун антифириз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонада тайёрланган дастлабки маҳсулот сифатлилиги билан харидорга манзур бўлди. Хўжайли тадбиркорлари йилига 500 тонна антифириз ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу эса Қорақалпоғистоннинг шу маҳсулотга бўлган талабини қондириш имконини беради.

## БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Бувайда туманида истиқлолнинг тўрт йиллиги байрамига катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Туман қишлоқ ва гузарлари ободонлаштирилмоқда. Юбилейга бағишлаб «Намунали оила», «Энг оқила қиз» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Байрам кунлари савдо ярмаркалари, халқ ҳунармандчилиги кўргазмалари, миллий спорт беллашувлари, бадиий жамоаларнинг чиқишлари бўлади.

## ТЎЙГА ТЎЁНА

Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўртасарой аҳоли пунктида деҳқон бозори очилди. Шу тумандаги Туябўғиз фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам шундай бозор қурилмоқда.

Туманда республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллик тўйи арафасида ўйингоҳ ва бошқа маданий-маиший иншоотлар таъмирланяпти. Қишлоқ амбулаторияларi қошида тўртта хусусий дорихона ишга тушди.

**(ЎзА мухбири)**

## ҚУРУВЧИЛАРДАН 80 ТА СОВҒА

*Хоразм вилоятидаги 80 дан зиёд қурилиш объектларида бунёдкорлик ишлари суръати сезиларли жонланди.*

— Бунинг боиси бор, — дейди вилоят ҳокимлигининг қурилиш, транспорт ва алоқа мажмуи гуруҳи раҳбари Жуманазар Хўжаниёзов, — воҳа қурувчилари Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига арзигулик совға ҳозирлашмоқчи. Мазкур объектларнинг бари байрам санасигача ишга туширилади.

Ижтимоий аҳамиятта молик кўпгина иморат ва мажмуалар қурилишининг моддий жиҳатларини маҳаллий ҳокимликлар, ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат иншоотларининг сарф-харажатларини эса тадбиркорлар, ишбилармонлар, мулк эгалари, турли жамғарма ва ҳиссадорлик жамиятлари зиммасига олишди.

Қад ростлаётган қурилишларнинг ранго-ранглиги ҳам диққатга сазовор. Уларнинг бирида ҳадемай моддий бойликлар яратила бошланса, яна бирида фарзандлар таҳсил кўришади, бошқасида тиббиёт муассасалари жойлашади. Одамлар яшайдиган, дам оладиган, маиший ва савдо хизмати кўрсатиладиган масканлар ҳам анчагина. Чунончи, истиқлол байрами кунигача Урганч шаҳрида 54 хонадонга мўлжалланган турар жой, болалар поликлиникаси, Хазорасп туманида йирик ҳунар-техника билим юрти мажмуи, Урганч, Қўшкўпир, Янгиариқ туманларида янги мактаблар, Хива ва Урганч туманларида банк муассасалари, Хонқа туманидаги Ш. Рашидов номли, «Ғалаба», Хива туманидаги Феруз номли жамоа хўжаликларида кўркам гузарлар барпо этилади. Ишга тушириладиган объектлар орасида новвойхона, чойхоналар, савдо маркази, жами 6 минг квадрат метр саҳнли турар жойлар ҳам бор. 60 дан зиёд хусусий дўконлар ҳам юбилей арафасида харидорларга хизмат кўрсата бошлайди.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МУЛК ЖАМОА ҚЎЛИГА ЎТГАЧ...

*Ўтган йилнинг октябрь ойида 182 кишилик жамоа «Жиззахнон» заводини бир миллион қирқ беш минг сўмга сотиб олган эди. Орадан анча вақт ўтди, мулк шакли ўзгарди, ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифати-чи?*

Бу ерда кунига ўн уч турда ўн тонна маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Кичик хажмдаги нонлар ишлаб чиқаришга ўтилгандан сўнг маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Шу йилнинг ўзида макарон, ширин тешик кулча, маккажўхори қаламчиалари, ўсимлик мойи тайёрлайдиган янги цехлар ишга туширилди.

Тез орада бир кеча-кундузда 20 тонна қолипли нон ишлаб чиқарадиган, Германиядан келтирилган автомат линия фойдаланишга топширилади. Ўшанда ҳозир механик усулда нон ёпилаётган учта печь бутунлай бўшаб қолади. Жамоа муҳандис-энергетиклари уларни бошқа истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун қайта жиҳозлайдилар. Бундан ташқари, корхонада дон муҳсулотлари корхоналаридан унни қопсиз ташиб келтириш усули жорий этилди. Бу кўплаб ишчиларни юк тушириш ва ортишдек оғир ишдан қутқарди. Ҳар биттаси 37 тонна ун сиғдира оладиган 15 та идиш ўрнатилди. Энди ун махсус машиналарда келтирилиб, автоматик усулда ана шу идишларга туширилади.

Корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилаётганини ҳисобга олсак, бундай иш жараёни уларга анча енгиллик туғдиради. Шаҳар ҳокими розилиги билан эса жамоа аҳоли энг зич яшайдиган жойларда, автобекат, бозор ва гузарларда саккизта хусусий дўкон қуриш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Бу дўконларда заводда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилади. Бу, бир томондан, тайёр маҳсулотнинг узоқ туриб қолишига чек қўяди, иккинчидан, ишчининг ўзига моддий рағбат келтиради.

Шу билан бирга Тошкентдаги «Ранг» ишлаб чиқариш бирлашмасидан еттита тикув машинаси сотиб олиниб, кичик корхона барпо қилинди. Жиззах пахта заводининг профилакторийси маъмурияти билан шартнома тузилди. Энди ишчи аёллар хоҳлашса йўлланма билан, бўлмаса кундузги стационарда даволаниб, соғликларини тиклашлари мумкин.

Жамоа аъзолари йилнинг биринчи ярмини қарийб икки юз минг сўм соф фойда билан якунладилар. Унинг эллик фоизи ишлаб чиқаришга сарфланиб, қолгани жамоанинг ҳар бир аъзосига тенг тақсимлаб берилади. Мулк жамоаники бўлганидан кейин фойда ҳам, зарар ҳам ўртада. Яна бир неча ойдан сўнг улар қарзларидан батамом қутулиб, корхонани жамоанинг ҳақиқий мулкига айлантириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Супянбек ШЕРИПОВ:*

# «ЭНГ ДАҲШАТЛИ ВОҚЕА ҲАЛИ СОДИР БЎЛГАНИ ЙЎҚ...»

## ЧЕЧЕНЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ УЧУН, АВВАЛО, УЛАРНИ АНГЛАШ КЕРАК

*«Шарқ — нозик масала...» сиёсатчиларимизга ҳақиқий Шарқ тўғрисида мана шу сийқаси чиққан ибораданбошқа нарса таниш эмасга ўхшайди. Акс ҳолда, Чеченистонда, Кавказда, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган, ҳозир ҳам бўлаётган ва чамаси ҳали узоқ давом этадиган воқеаларни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, гап ўз қонуни, ўз ақидаси, ҳаёт ва инсонга ўз муносабати бўлган алоҳида олам тўғрисида бормоқда. У ерда ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган одамлар кўпчиликка нуфузли бўлади ва уларнинг гапи кўпчиликка ўтадч. Бу олам билан тинч яшаш учун, бу одамлар бизга нақадар кутилмаган ва ғайриоддий туюлмасин, уларни тушуниш ва гапларини тинглай олиш лозим...*

Афғонлар уни Зулия, ҳиндлар эса Гуру дейишади. У билан учрашиш учун энг юксак лавозимларда турган кишилар: хорижий давлатлар элчиларидан тортиб КПСС Марказий Қўмитаси котибларигача Грозныйга келишган. Банкир ва тадбиркорлар у билан маслаҳатлашиш учун атайлаб келиб туришган.

У ҳалокатдан сақлаб қолган кишиларнинг ҳаммасининг номини санаб ўтиш қийин. У доимий ҳомийлик қиладиган кишилар юзлаб саналади. Ўнлаб оилаларда у болаларга ота ўрнини босган.

У таниқли сиёсий арбобларнинг тақдирига ҳам таъсир қилган. Вячеслав Молотов умрининг сўнгги йилларида учрашмоқчи бўлган ягона инсон ҳам мана шу киши бўлган.

Бу инсоннинг исми Супянбек Шерипов.

У ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмаган, юксак лавозимларни эгалламаган. Узоқ йиллар давомида у ўзини четга олиб юрган. Аммо ҳозир, Чеченистон Россиянинг қонталаш жароҳатига айланган пайтда унинг гапини эшитса арзийди.

Бу — кўпчиликнинг назарида, бошқалардан яширин воқеаларни кўра оладиган Супянбек Шерипов билан биринчи суҳбатдир.

**— Совет Иттифоқи парчаланиб кетаётганини сиз қачон англагансиз?**

— Бу жараённи икки воқеа айниқса тезлаштириб юборди. Улардан бири — Борис Ельциннинг «қизиллар армияси»га, яъни КПССдан сайланган СССР Олий Кенгаши депутатлари қаторига киритилмагани, иккинчиси — Гдлян билан Ивановнинг матбуот ва телевидение орқали чиқишлари бўлди. Улар афкор оммага жуда кучли таъсир ўтказган эди.

**— Билишимча, Гдлян билан Иванов матбуот орқали ўз фикрини айтишдан олдин маслаҳат сўраб сизга мурожаат қилишган...**

— Гдлян билан Иванов ҳузуримга келган тун ёдимда. Ўшанда ошкора ва узоқ суҳбат бўлганди. Суҳбат охирида улар Ўзбекистондаги олий партиявий шахсларнинг гаплари ёзилган видеокассетани кўришни таклиф қилишди. Мен уларга: «Мен ишора қилмагунимча кассетани ҳеч кимга кўрсатманглар», дедим. Ўзим эса, Москвага учиб кетдим.

**— Гдлян ва Иванов билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирди?**

— Улар мен билан рўй-рост гаплашишди. Уларнинг хизмати шундаки, «ўзбеклар иши»ни текширишнинг турли вариантларидан ўзлари учун энг қийин йўлни — Марказий Қўмитада ўтирган порахўрларнинг номини айтишни танлаб олишди. Ҳуқуқшунос мутахассис нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу — энг тўғри йўл, лекин сиёсий жиҳатдан...Бу йўл нималарга олиб боради?

Москвада шуни ўйладим. Гдлян билан Иванов эса, бу пайтда «Огонёк» журналида «Қарама-қарши туриш» деган машҳур мақолани эълон қилган эди.

**— Уларни Марказий Қўмитанинг бирор котиби билан учраштира олармидингиз?**

— Учраштира олардим. Лекин бундай учрашувдан биронбир иш чиқмасди. Ҳамма нарса Горбачевга боғлиқ эди. Горбачёв билан учрашишга фақат КПСС Чечен-ингуш вилоят собиқ биринчи котиби А. В. Власовгина ёрдам бера оларди. Власов ўша вақтда РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси эди. Мен унга мурожаат қила олмасдим. Чунки, орамиз бузилиб қолган эди. Аммо, мен ва мен билан бирга бўлган кишиларнинг вазифаларидан бири — Власовни СССРдаги иккинчи шахсга айлантириш эди. Ана ўшанда Горбачев ўз лавозимида тағин ҳам мустаҳкам ўрнашган бўларди.

**— Супянбек, айтинг-чи, сиз Рашидов, Медунов ва Власовни нима учун бир-бирига яқинлаштиришни хоҳлаган эдингиз?**

— Бу ишларнинг ҳаммаси Власов учун, унинг сиёсий лавозимга кўтарилишига ёрдам бериш учун қилинган эди. Бундан 15 йил муқаддам, вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари ўз хотинлари олдида партияга қарши бир оғиз сўз айтишдан қўрққан бир пайтда Власов ҳаммага эшиттириб: «Агар мен ҳеч нарсага эриша олмасам, ҳаётимизда бирор нарсани ўзгартира олмасам, мансабимни ташлаб, дўконда газета сотганим яхшироқ», деган эди.

**— Вилоят биринчи котиблари хусусида Грозныйнинг омади бор экан-да?**

— Йўқ. Шунчаки, Власов бошқача одам эди. Афсуски, ҳозир у раҳбарлар орасида эмас. Акс ҳолда, у чеченларни албатта ҳимоя қилган бўларди, бир вақтлар у Марказий қўмита котибиятида чеченларни дадил ҳимоя қилган. Власов бўлганида эди, рус оналари Грозныйдаги вайроналар орасидан фарзандларини қидирмаган бўларди. Власов даврида қурилган чечен мачитларида «Чеченистон Россиянинг маккорлиги ва Кремлнинг пасткашлигини минглаб йиллар давомида унутмайди!», деган сўзлар янграмаган бўларди.

**— Сизнингча, Россияни нима кутмоқда?**

— Россияда ҳақиқат йўқолган давр давом этмоқда. Келгусида халқаро майдонда ҳеч нарса Россияга боғлиқ бўлмайди. Сўнгги йилларда кўп нарса бой бериб қўйилди. Ҳеч бўлмаганда БМТни олиб кўрайлик. БМТ модели Ғарб билан Шарқ бир-бирига қарама-қарши бўлган даврда яратилган эди. Россия БМТнинг тутган ўрни ва мақомини ўзгартириши шарт эди. Сўнгги йилларда БМТ АҚШнинг БМТ ўрнини босиш имкониятларини истисно этадиган тарзда ўзгартирилиши лозим эди. Жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик овозида эндиликда Россиянинг ёлғиз овози кучлироқ эшитилишига эришмоқ керак. Шундай қилинса, Россия давлатининг чегаралари ишончлироқ ҳимоя қилинади. Ҳозирча эса, Ғарб Россия билан картада преферанс ўйнаётган бўлса, Россия Ғарб билан «аҳмоқ» ўйинини ўйнамоқда... Россия учун барча россияликларни бирлаштирадиган йўлни ўйлаб топиш қийин. Унга чинакам етакчи керак.

**— Шундай етакчи борми?**

— Ҳа, бор.

**— Унинг номини айта оласизми?**

— Йўқ. Ҳали вақт эрта. Аввало, Горбачев даври ниҳоясига етиши керак... Дарвоқе, бу ҳодисанинг тезда содир бўлишига ишончим комил! Депутат сиёсий дахлсизлик мақомига эга бўлиши лозим. У ҳеч қандай блок ва фракцияларга қўшилмаслиги керак. Диндорлар билан худо ўртасида воситачи бўлмаганидек, депутатлар билан сайловчилар ўртасида ҳам воситачилар бўлмаслиги зарур. Бу — Россия учун жуда муҳим масала.

**— Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?**

— Бор. У — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов!

— СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта хатога ҳам йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради.

**— Бунга Каримовнинг қандай фазилатлари туфайли эришилди?**

— Ўзбеклар — руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар. Ўз шаъни учун инсон жонини қурбон қиладиган қийин пайтларда уларга тенг келадигани йўқ. Гдлян билан Иванов қамоққа олишга келганда хонадон эгаси хотиржам кийиниб, ўзини ўзи ўлдириш учун кечирим сўраб бошқа хонага чиқиб кетганида улар ҳайратда қолишган. Ҳатто чеченлар ҳам ўзбекларнинг ажалнинг кўзига мардлик ва совуққонлик билан қарай олишига ҳавас қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай халқни ўз муаммоларини митингда ҳал қиладиган оғир шароитга фақат иғвогарлар ёки ўзбекларнинг дўппи кийиб юришинигина биладиган кишиларгина шундай шароитга солиб қўйиши мумкин. Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маърифатга қарама-қарши туриши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ўта сезгирлик билан аниқлади, уларнинг тўқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир.

**— Сиз Каримовга у билмайдиган нарсани айта оласизми?**

— Бу қийин иш. Лекин, уриниб кўраман. Ҳар бир мамлакатда ўз давлат сири бўлади. Бу сирнинг очилиши миллий хавфсизликка зарар етказиши мумкин. Менинг назаримда, ўзбекларнинг ўзаро муносабатларини давлат сири қаторига қўйиш мумкин. Акс ҳолда, Москвада қандай ўзбеклар (афғонлар, чеченлар — дидга қараб, бунинг вариантлари бўлиши мумкин) яхши-ю, қайсилари ёмон ва кимларга қарши танкларни юбориш керак, деб тезда аниқлайдиган одамлар топилади. Мухолифатга келганда шуни айтиш лозимки, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам мухолифлари бўлган. Аллоҳга шукурки, улар ғалаба қозонмаган.

**— Чеченистондаги воқеаларни қандай баҳолайсиз?**

— Чеченистонга тинчлик ўрнатиш учун келган кишиларга бир сирни айтмоқчиман. Вулқон — агар отилиб турсагина вулқон бўлади. Агар отилмаса, у вулқон эмас, оддийгина тоғга айланади, унда чанғи учиш мумкин бўлади. Чечен эса қасос олаётган пайтда ўзини чечен деб ҳис этади. Чеченларга тегинмаслик керак эди.

**— Чечен урушига қадар сиз билан мулоқот қилган кишиларнинг ҳаммасига эркинлик ва истиқлол йўли турлича тушунчалар, Чеченистон эркинлик йўлини танлаб олиши керак, дер эдингиз.**

— Бу гаплар вулқон отилгунига қадар айтилган эди.

**— Ҳозир нима дейсиз?**

— Мен ҳозир ҳам бизнинг тарихий йўлимиз — эркинликка борадиган йўл, деб ҳисоблайман. Бироқ, Россия танклари бизни бошқа йўлга — истиқлол йўлига туртиб юборди. Бунинг маъноси шуки, Россия қўшинлари Чеченистонда турар экан, бу ерда тинчлик бўлмайди, чамаси узоқ йиллар давомида тинчлик бўлмайди.

**— Нима учун?**

— Чунки, бу урушни бошлаган кишилар ва ҳозир уни тугаллашга уринаётганлар бизнинг кимлигимизни билишни хоҳлашмайди. Москванинг иродаси билан биз Қозоғистонга кўчирилдик. Ўшанда мен тўрт яшар эдим. Ота-онам билан Чимкент вилоятидаги Лангар қишлоғига тушганмиз. Бир воқеа ёдимда қолган.

Бир чечен ўз оиласини очликдан қутқариш учун ўн дона бошоқ ёки товуқми — нималиги ёдимда йўқ — ўғирлаган эди, уни ушлаб олиб, отга боғлашди ва отни чоптириб кетишди.

Чеченнинг қотилига ҳеч ким теккани йўқ. Ҳолбуки, ундан қасос олиш қийин эмас эди. Ҳалок бўлган чеченнинг ўғли камолга етишини кутишарди. Йигит 16 ёшга тўлган куни унинг қўлига қурол тутқазиб: «Ана у — отангнинг қотили. Ўз бурчингни бажар. Биз ҳам қасос олишимиз мумкин эди, лекин меросни сенинг ўзингга асраб қўйдик», дейишди. У ўз бурчини бажарди. Ҳеч ким — на туққан онаси, на Оллоҳ Таоло чеченни қасос олиш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди. Бизданбу ҳуқуқдан воз кечишни талаб қилишнинг фойдаси йўқ.

**— Ундай бўлса, ҳозир Чеченистонда юз берган аҳвол ўнглаб бўлмайдиган аҳвол экан-да?**

— Йўқ, ундай эмас. Сиз буни тушуниб олишингиз учун яна бир воқеани гапириб бераман. Бу воқеа чеченлар олтмишинчи йилларнинг бошларида ватанига қайтиб келганидан сўнг юз берган. Хунталаблар ярашадиган кунда (Чеченистонда шунақаси ҳам бўлади) тоғ қишлоқларидан бирида одатдагидек жуда кўп одам тўпланди. Майдон марказида ранги ўчган, соч-соқоли ўсиб кетган (урф-одатга кўра, у одамлар орасида пайдо бўлишга ҳақли эмас) қотил, унинг қаршисида ўлдирилган кишининг балоғатга етган ўғли турар эди.

Бундай ҳолларда бўлгани каби, кўпчилик ўлдирилган кишининг ўғлига мурожаат қилиб: «Мана бу — отангнинг қотили. Сен энди балоғатга етдинг ва қасос олишинг мумкин. Лекин, орамизда тинчлик бўлиши учун, яна бир оиладаги болалар етим қолмаслиги учун уни кечир, ҳозир сен уни ўлдирсанг, сенга ҳеч ким таъна қилмаса ҳам, кечир», деди.

Охирида йигитнинг ўзи гапирди. У қотилга қараб бундай деди: «Сен мени отамдан жудо қилдинг. Мен сенинг болаларингга ҳавас қилиб ўсдим. Бугун бу ерга тўпланган одамлар мени тарбиялашди. Мен отамдан қандай қарздор бўлсам, шу кишилардан ҳам шундай қарздорман. Шунинг учун уларнинг илтимосини бажармай туролмайман. Мен сени кечирдим. Бундан буён сенга худди ўз отамдек муносабатда бўламан, деб сўз бераман».

Чечен ярашиш вақтида берган сўзини бузган ҳол бўлган эмас. Биз билан муомала қилса бўлади. Чеченлар ишончли халқ. Лекин, халқни қиришни давом эттираётган ва айни пайтда бизни ўзимизни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган қонунни ўйлаб чиқарган кишиларга бу қоидани жорий қилиб бўлмайди.

**— Қотиллик қилган одамлар сизга мурожаат қилишини биламан...**

— Улар — оддий қотиллар эмас, рашк туфайли хун талаб қилиб, одам ўлдирган кишилардир. Яқинда ҳузуримга рашк қилиб хотинини ўлдирмоқчи бўлган киши келди. Онаси қўйнида ётган қизалоғи ҳалакит бериб, онасини сақлаб қолган экан. У ниятидан қайтиши учун мен юрагига етиб борадиган тўғри сўзларни топишга ҳаракат қилдим.

Бошқа бир воқеа. Ҳузуримга катта ёшдаги киши келиб, юрагини ёрди. У ўзини хафа қилган одамдан қасд олмоқчи экан. Қарасам, шашти баланд. Бундай одамларни шаштидан қайтариш жуда қийин... Бутун тун суҳбат билан ўтди. Тонгга яқин, тун кун билан алмашиши билан инсон руҳий ҳолати ҳам ўзгарадиган пайтда мен унга бир гапни айтдим. Суҳбатимиз чоғида миямга келган ягона бир фикрни айтдим. У фикримга қўшилиб, қасос олиш муддатини кечиктирди... Кейин хунрезликка йўл қўймаслиги учун етарли вақтга эга бўлдим.

**— Бу осон иш бўлмаса керак?**

— Албатта осон эмас. Лекин ҳаётдан ихтиёрий равишда кўз юмишга аҳд қилган кишилар билан видолашиш мен учун жуда оғир. Одатда ундай одамлар жуда ақлли ва олижаноб кишилар бўлади.

**— Менга сизни бошқалар назаридан яширин нарсаларни ҳам кўра олади, деб таърифлашган эди. Айтинг-чи, динга ишонишга ҳаракат қилаётган одамларга нима дея оласиз?**

— Эҳромдан чиққан одамгина эҳромнинг йўлини топа олади. Агар менинг оилам яшаётган уй мен учун эҳром бўлмаса, на черков, на масжид мен учун эҳром бўла олади.

**— Агар сизга дунёни ўзгартириш имконияти берилса, ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?**

— Одамларнинг орқасидан ёмонлашни, уларни табиат томонидан берилган ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишни тақиқлаган бўлардим.

**— Келажакни қандай барпо қилиш мумкин?**

— Келажакни барпо этиш инсоннинг ихтиёрида эмас. Келажак ўтмишга тааллуқли, ўтмиш эса — инсонники. Инсон ҳозирги даврга, ҳозирги давр эса, коинотга қарашли. Коинот — чексиз. Чексизлик вақтга қарашлидир. Вақт эса, ҳеч кимга бўйсунмайди.

Кимки бу сўзларнинг мағзини чақа олса, у ўз вазифасини англай олади... Мен эса, бурчимни охиригача бажариш учун тоққа қайтаман.

**Андрей МИХАЙЛОВ,**
**Кизляр шаҳри.**
**(«Век» газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонидан).**

*Мухбир бонг уради*

# АВВАЛО, ИСЛОҲОТНИНГ МОҲИЯТИНИ ТУШУНИШ КЕРАК!

**Аммо афсуски, Бухоро вилояти туманлари ва хўжаликларининг аксарият раҳбарлари бу ҳақиқатни ҳанузгача англаб етишган эмас.**

- **Умри бекор ўтаётган ерлар**
- **Бозорнинг «Б» ҳарфини ҳам билмайдиган раис.**
- **253 бош сигирдан кунига... уч литрга яқин сут?!..**

***Президент ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида қишлоқларда очиладиган кичик ва хусусий корхоналарни кўпайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даржасидаги устивор йўналиш эканлиги алоҳида қайд этилди.***

Бу бежиз эмас. Чунки, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 61 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви натижасида аҳоли бир қисмининг ишсиз қолиши табиий ҳолдир, албатта. Шу боис қишлоқларда кичик ва хусусий корхоналар тармоғи жадал суръатлар билан кенгайтирилмас экан, бугундан бошлабоқ юз бериши мумкин бўлган ижтимоий тангликнинг олдини олишга, қишлоқ жойларда яқин келажакда аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиб бўлмайди.

Хўш, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларида бу муҳим вазифа қай йўсинда ҳал этилмоқда? Умуман, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни қандай кечмоқда?

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қараганда, шу кунгача 56 та давлат хўжалиги нодавлат хўжалигига, 145 та сут-товар фермасидан 135 таси хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Уларнинг қарамоғида 59 минг қорамол, шу жумладан, 23 минг сигир, 17 минг гектардан зиёд ер мавжуд. Вилоят бўйича давлатга сотилаётган сутнинг 58 фоизини, гўштнинг 24 фоизини шу хусусий фермалар етказиб бераяпти.

Вилоятда ташкил этилган 1992 деҳқон (фермер) хўжалигидан 755 таси мустақил. 7625 гектар боғнинг 4992 гектари, 8672 гектар узумзорнинг 4122 гектари оилаларга хусусийлаштириб берилди.

Жамоа хўжаликларида ташкил этилган 1285 та кичик саноат корхонасидан 530 таси хусусий. 1995 йилнинг биринчи ярмида 55 та кичик корхона очилиб, 320 киши учун янги иш жойлари барпо этилди.

Бу йил 31 та сут-товар фермасини кимошди савдоси орқали шахсий қилиб сотиш режаланган. Жумладан, Бухоро ва Шофиркон туманларида иккитадан, Ғиждувон туманида битта ферма шу йўл билан сотилди. Шунингдек, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган II та жамоа хўжалигини деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасига айлантириш мўлжалланмоқда.

Хуллас, юқоридаги маълумотларга қараб мушоҳада қилинадиган бўлса, вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар рисоладагидек бораётгандай кўринади. Бироқ, келтирилган рақамларни чоғиштирсангиз, умуман, вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг бугунги даражасини атрофлича таҳлил этсангиз, ҳақиқий аҳвол ойдинлашади.

Чунончи, қишлоқ хўжалиги тизимидаги шунча янгиланишлардан сўнг давлатга гўшт сотиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бор-йўғи 54 тонна кўпайганини яхши дея баҳолаш тўғри бўладими? Ёки сут сотиш кўпайиш ўрнига 725 тонна камайганини қандай изоҳламоқ керак? Бу рақамлар ортида қандай «лекин»лар яшириниб ётибди?

Вилоятда бу йил ғалла ҳосилдорлиги ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Тўғри, давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилди. Бироқ, шартнома мажбуриятини бирорта туман уддалай олмади. Вилоятнинг ўзи 80 фоизнинг, Олот, Жондор, Ромитон туманлари эса 70 фоизнинг нариберисида қолиб кетди. Ҳосилдорлик 20 центнердан ҳам ошмади. Президент бошлиқ ҳукуматимиз ғалла мустақиллигига эришиш йўлида астойдил қайғуриб, ғаллакорлар учун зарур бўладиган ҳамма шарт-шароит ва қулайликларни яратиб бераётган бир пайтда суғориладиган ерларда шу даражада паст ҳосил олиш даврдан ортда қолиш, ислоҳот талабаларига жавоб бера олмасликдан бошқа нарса эмас.

Олот ва Жондор туманларидаги аҳвол, айниқса, ачинарли. Масалан, **Олотда шартнома мажбуриятлари 44 фоиз, Жондорда 51 фоиз бажарилган. Сабаби — суғориладиган ерларга экилган ғалла ҳосилдорлиги 15-16 центнер бўлди, ҳолос. Бу рақамларга қараб туриб «ғалла чинданам суғориладиган ерларга экилганмиди ўзи» дея ўйлаб қоласан киши.**

Ғаллачиликнинг аҳволини таҳлил қилишда давом этсангиз, бундан-да, ажабтовур ҳолатлар кўз олдингизда намоён бўлади. **Қаранг-ки, вилоятда 29 та хўжалик, ҳатто, дон топшириш бўйича давлат буюртмасини қоплайдиган даражада ҳам ҳосил етиштира олмапти.** Юртбошимиз юрт равнақи, эл турмуши даражасини ўйлаб, ғалла мустақиллигига эришиш сиёсатини изчил амалга ошираётган бир пайтда жойларда дон етиштиришни кўпайтириш масаласига бундай масъулиятсизларча муносабатни қандай тушунмоқ керак? Ромитон туманидаги «Ҳазорбоғ», Олот туманидаги «Гулистон» ва «Денов» хўжаликларида бор-йўғи 9-13 центнердан ғалла ҳосили олингани суғориладиган ерларнинг умрини бекор ўтказишдан бошқа нарса эмас.

Бироқ вилоятнинг исталган туман ёки хўжалигига бориб, бу йил Бухорода ғалла мустақиллиги учун кураш нима учун бу қадар сусайтириб юборилганини сўраб-суриштирсангиз баҳонаю важ-корсонларни қалаштириб ташлашади. Биринчи навбатда сув танқислигини рўкач қилишади. Тўғри, бу йил сув аввалги йилларга нисбатан тақчилроқ бўлди. Аммо фақат Бухорода эмас, балки бошқа вилоятларда ҳам ғаллакорлар бу машаққатнинг жабрини тортишди. Лекин имкон топиб, ғалла хирмонининг ўтган йиллардагидан анча баракали бўлишига эришдилар. Улар бугунги ғалла сиёсатини тўғри тушиниб, дон экинларига ўгай кўз билан қарамадилар, вақтида экдилар, ўғитдан қисмадилар, парваришни обитобида қилдилар.

Йўқ, ғалла мустақиллигига эришиш сиёсатида баҳонаю сабабларга ўрин бўлмаслиги керак. Бу давлатимизнинг иқтисодий мустақиллиги, халқ фаровонлиги билан боғлиқ масала. Ватаним, элим-юртим деган ҳар бир фуқаро — хоҳ у раҳбар, хоҳ оддий меҳнаткаш бўлсин — бу хайрли саъй-ҳаракатдан четда қолмаслиги лозим. Зеро, ғалла мустақиллигини таъминлаш қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан биридир.

Шу боис Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг ҳар қадамда оқсаётганлиги сабабларини бошқа ёқдан излаш керак кўринади. Биз бир қатор туманларда, хўжаликларда бўлиб, раҳбар, мутахассис, деҳқон ва чорвадорлар билан суҳбатлашдик. Ва ўн карра, юз карра амин бўлдикки, юртбошимиз Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида «Ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги ва ушбу муҳим давлат вазифасига юзаки ёндашуви қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардир», дея «ташхис»ни жуда тўғри қўйган экан. Бу жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмаси ва ҳиссадорлик жамиятлари, шунингдек, туманлар миқёсидаги қишлоқ хўжалик идораларининг ўз нўноқликлари билан ислоҳотларни барбод этаётган аксарият раҳбарларининг билими ва савиясига берилган айнан тўғри баҳодир.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун истаганча мисол келтиришимиз мумкин. Чунончи, Ғиждувон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Гадоймурод Эшбековнинг қайси давр нафаси билан яшаётганини тушуниб бўлмайди. Мана, у билан бўлиб ўтган суҳбатимиз тафсилотидан ўзингиз хулоса чиқариб олверинг.

— Бозор иқтисодиёти шароитида қандай мулк шакллари бўлиши мумкин?

— ?...

— Деҳқон (фермер) бўлишни истовчиларга, асосан, қандай талаблар қўйилади?

— Маҳсулотни кўпайтириш (?)...

— Ҳамма ҳам деҳқон (фермер) бўлаверадими?

— ?...

«Гулистон» жамоа хўжалиги раиси Мардон Фармонов ўзи бошқараётган хўжаликда неча хил мулк шакли борлигини ҳам билмайди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари хусусида тасаввурга эга эмас, чунки бирортасини ўқимаган. Банкрот тўғрисидаги қонундан эса мутлақо бехабар. Шу боис «Хўжалингизни қандай хўжаликлар сирасига киритасиз — илғорми, ўртачами, банкротга учраш арафасидами?» деган саволимиз жавобсиз қолди.

Шуниси ачинарлики, туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбарларининг билими ва савияси ҳам уларникидан «қолишмайди». Масалан, уюшма раисининг муовини Исмат Ғайбуллаевга Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари хусусида сўз очсангиз, ўз дардидан гапиради. Хусусийлаштирилган фермаларда етиштирилаётган сут шартнома асосида 4,5 сўмдан (бир килоси учун) қабул қилиб олинаётгани ҳолда ферма аъзоларига 23 тийиндан иш ҳақи тўланаётган экан. Бу адолатдан эмас, дейди. Бўлса бордир. Лекин таннархнинг қимматлигига сабаб нима? Уни арзонлаштириш учун нима қилиш керак? Бу ҳақда раис муовини тайинли гап айтолмайди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Деҳқончилик саноати уюшмалари нима мақсадда тузилган-у, у нима учун керак ўзи? Уюшма раҳбарларию мутахассислари нима қилиб ўтиришипти?

Ҳамма иллат шундаки, бу бўғин раҳбарлари социалистик ишлаб чиқариш тизимининг чалкаш ипларига шу қадар ўралашиб қолганларки, ундан халос бўлиб, бугунги иқтисодий ислоҳотлар талаб этаётган янгича бошқарув тамойилларига ҳадеганда ўта олмаяптилар, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг аксарияти буни истамаяптилар ҳам. Зеро, мазахўрак бўлиб қолинган ҳузур-ҳаловатдан кечиш, тўғрироғи, бевосита моддий бойликларни яратаётган оддий меҳнаткашларнинг косалари оқариши учун жон куйдириб ишлаш, изланиш, имкон топиш виждон, қолаверса, иймон ишидир. Афсуски, ана шундай чин инсоний ҳислатлар ҳамма раҳбарларда ҳам топилавермайди.

Ромитан туманидаги аксарият хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам қишлоқдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига ҳанузгача тушуниб етмаганлар. Масалан, **Баҳодир Ғаффоров раислик қилаётган «Шўрча» жамоа хўжалигида 1500 бош қорамолга мўлжаллаб қурилган чорвачилик мажмуида бор-йўғи 253 бош мол боқилаяпти. Сигирларнинг бир кунлик сути эса 3 литрга ҳам етмайди.** Ғаллачилик соҳаси ҳам ўлда-жўлда. Раиснинг эса парвойи палак, на аниқ мақсад ва бир режа бор, ҳамма иш ўз оқимига ташлаб қўйилган. Бундай «бемалолхўжа» қабилидаги раҳбарликнинг умри аллақачон тугаганлигини наҳотки, у тушунмаса?

«Қалайчорва» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси 1994 йилда хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Ўшандан бери на ишда бурилиш, на маҳсулот етиштиришда силжиш бўлмади. Раисдан сабабини сўрасангиз, «Ҳаракат қилаяпмиз, ўзгариш ясаймиз», — дея хотиржам жавоб беради. Ваҳоланки, ўзгариш, ўсиш йўқлигининг жиддий сабаби бор: ферма хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган пайтда унинг аъзолари қонунда белгиланган 10 фоиз ҳақини тўламаганлар, у ҳанузгача ундирилмаган. Демак, фермани хусусийлаштириб олган ҳиссадорлар ўзларини унинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳис қилганларича йўқ. Шу боис улардан бирор киши «шу фермада менинг улушим бор» деёлмайди. Бундан хулоса шуки, ферма хўжакўрсинга хусусийлаштирилган.

Дарвоқе, биз хўжаликларни айланар эканмиз, ислоҳотга оид кўп ишларнинг ҳақиқатан ҳам хўжакўрсинга яъни юқорига маълумот бериб қўйиб, «қулоқни тинчитиш» учун қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Қайси раҳбар билан суҳбатлашманг, гапни «биз фалонта кичик корхона, мунча цех қуриб, шунча янги ишчи ўрни очдик», дейишдан бошлашади. Аммо, бу ишлаб чиқаришлар учун хомашё шу ернинг ўзида борми, тайёрланган маҳсулотни олувчи харидор топиладими ёки омборларда чанг босиб қолиб кетадими, бу билан ишлари йўқ. Бундайларни кўриб «айрим раҳбарлар атайлаб шундай қилмаяптилармикин», дея ўйлаб қоласан киши. Юртбошимиз Президент ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида ана шундай тоифа раҳбарларга жуда тўғри баҳо берди: **«Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор раҳбарларнинг ушбу жараён йўлидаги тўсқинликлари уларнинг кўп жиҳатдан эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шаклланиши билан рақобат муҳити юзага келишидан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги аён бўлиб қолишидан чўчиши билан изоҳланади».**

Ўша йиғилишда юртбошимиз яна бир муҳим муаммо хусусида тўхталди. **Қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашларнинг 90 фоизи бошқа соҳаларга ишга ўтказилмас экан, қишлоқдаги ислоҳотлар кўнгилдагидек натижа бермайди.** Бунинг учун эса бозор муносабатлари соҳасидаги саводсизликка тезроқ барҳам бериш, бозор илмини ҳамма ёппасига эгаллашига эришиш зарур бўлади. Бу вазифанинг қай даражада тез ва соз ҳал этилиши эса биз юқорида таъкидлаган ўрта бўғин раҳбарларининг билимига, савиясига, хоҳиш-истагига, қўйинг-чи, инсофу иймонига боғлиқ. Улар ҳалол ва покизалик билан ишламас эканлар қишлоқдаги ислоҳотлар олға босмайди, дала меҳнаткашларининг кўкракларига ҳаливери шамол тегмайди.

Нафсиламбирини айтганда, ана шундай покдомон, янгиликка интилувчан, ташаббускор ёш раҳбарлар иш бошига келган хўжаликларда ислоҳот рисоладагидек амалга оширилиб, унинг дастлабки самаралари бўй кўрсата бошлади. Чунончи, илгари тадбиркор бўлиб, анчагина тажриба орттирган Шавкат Мавлонов Ромитон туманидаги Ибн Сино жамоа хўжалигига раис этиб тайинлангач, бу ерда сердаромад, иқтисодий бақувват, ўзига тўқ деҳқон (фермер) хўжаликлари кўпайиб қолди. Ҳозир ана шундай мустақил фермер хўжаликлари 5 та бўлди. Улар керакли техника ва бошқа иш қуролларига, «Тадбиркорбанк»да ўз счётларига, муҳрларига эгалар. Хўжалик эса уларга керакли нарсаларни шартнома асосида етказиб беради.

Хўжаликда фермерчилик ҳаракатини биринчи бўлиб бошлаб берган Теша Тошевнинг довруғи бугунги кунда бутун республикага ёйилган. Мустақил фермер Шоди Файзиев ҳам унга тенглашмоқда. Ҳар иккисининг 18 гектардан ери, бирида 112 та, иккинчисида 92 та мол бор. Сигирлардан кунига 15 литрга етказиб сут соғиб олишади. Хуллас, беш нафар мустақил фермернинг йиллик ўртача даромади 20 минг сўмдан кам бўлмаяпти.

Лекин, афсуски, ёнгиналарида шундай тайёр тажриба туриб, ундан ўрганувчилар, қўлланувчилар кам. Акс ҳолда «Қўрғон—Ромитон» жамоа хўжалигининг экинлари эгасиз мулкдай қаровсиз қолиб, ўт ва бурган босиб ётармиди? Саксонинчи йиллардан бери ерга, умуман, қаралмаган, унинг мелиоратив ҳолати бутунлай издан чиққан, ариқ-зовурлар тўлиб қолган. Шу боис зах сув ер бетига кўтарилиб, экинларнинг ривожланишига йўл қўймаяпти. Бошқа соҳаларни қўя турайлиг-у, ҳатто давлатга ғалла топшириш режаси ҳам 55 фоизда қолиб кетди.

Биз Шофиркон туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигида яна бир ибратли янгиликни кўрдик. Ботир Олимовнинг хўжалик бошқаруви раислигига тайинланганига эндигина бир ой бўлди. Шу қисқа муддатдаёқ у хўжаликдаги мулк шаклини ва бошқарув тизимини бозор муносабатларига тўла мос ҳолда ўзгартиришнинг аниқ тамойилини ишлаб чиқишга улгурди. Жамоа хўжалигини ширкатлар уюшмасига айлантиришнинг лойиҳаси тайёр. Унга кўра уюшма аввалдан мавжуд бўлган 13 та бригада ва яна қурилиш-таъмирлаш, таъминот-тайёрлов ҳамда техника хизмати соҳалари бўйича жами 16 та мустақил ширкатлардан иборат бўлади. Мустақил дейилишининг боиси шундаки, уюшманинг 19 кишидан иборат бошқарув аппарати уларнинг ички ишларига аралашмайди. Уч томонлама тузиладиган шартнома ҳамма ширкатлар ва, ҳатто, бошқарув аппарати учун иш юритишнинг асосий механизми вазифасини ўтайди.

Уюшма бошқаруви ислоҳотларни чуқурлаштириш, ширкатларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини кенгайтириш, кичик корхоналарни кўпайтириш каби истиқбол масалалари билан шуғулланади. Шартномада шу нарса аниқ белгилаб қўйилганки, вақти келиб, ҳар томонлама яхши ривожланиб, ўзини-ўзи бошқара оладиган даражага етган ширкатлар уюшмадан ажралиб чиқиб, мустақил фаолият бошлаш ҳуқуқига эга.

Сирасини айтганда, Ботир Олимов бозор муносабатларига мос бундай янгича хўжалик тузуми андозасини осмондан олгани йўқ. Олимларимиз ўтиш даври учун энг мақбул янгича тузилмаларни матбуот (хусусан «Халқ сўзи» газетаси) орқали кўплаб тавсия этмоқдалар. Демак, матбуотни кузатиб, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўқиб-ўрганиб бораётган раҳбарлар бозор муносабатларига ўтишнинг оғир ва мураккаб йўлларида ҳечам қоқилмайдилар, қийналмайдилар, бинобарин ўзлари бошқараётган жамоа аъзоларини ҳам толиқтирмай, фаровон ҳаёт йўлига тезроқ олиб чиқадилар.

**«Бизнинг барча ҳаракатимиз моҳиятан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган. Қишлоқни юксалтирмасдан, халқ хўжалигининг бу соҳасини ўзгартирмасдан, ана шу улуғ мақсадга восил бўла олмаймиз. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни дилга жо этиб яшамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор».** Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасининг қуйи бўғин раҳбарлари юртбошимизнинг бу кўрсатмаларини дилга жо этиб иш юритсалар ёмон бўлмасди.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.**




## ЕВРООСИЁ ЙЎЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Туркия Президенти Сулаймон Демирэл 31 июль куни Грузияга қисқа муддатли амалий ташриф буюрди.***

Мамлакатнинг тоғли курорт минтақаси бўлган Боржомида у Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Икки қўшни давлат раҳбарлари қурилиши режалаштирилаётган Евроосиё нақлиёт йўли ғоясини амалга ошириш масаласини муҳокама қилди. Учрашувда шунингдек, Озарбойжон нефтини ғарб мамлакатларига етказиб бериш йўналишлари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

## БИРИ ЙЎҚЛАСА, БОШҚАСИ ҚАРШИ

***Бруней пойтахтида Осиё, Шимолий Америка ва Европадаги 19 мамлакат делегациялари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.***

Унда тарихда илк бор Осиё ва Европа мамлакатлари давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. АСЕАН ушбу Осиё—Европа учрашувига Бруней, Вьетнам, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, ХХР, Жанубий Корея, Японияни, шунингдек, Европа иттифоқига аъзо бўлган 15 давлат вакилларини даъват этишни таклиф қилди. Япония эса келгуси йил март ойида Таиландда ўтказишга қарор қилинган олий даражадаги учрашувга Австралия ва Янги Зеландия раҳбариятини ҳам чақиришни ёқлаб фикр билдирди. Маълум бўлишича, Индонезия ва Сингапур Япония таклифини қўллаб-қувватламоқда. Малайзия эса бунга қарши чиқаётир.

## ВА НИҲОЯТ, БЕШИНЧИ БОСҚИЧ

***Тожикистон мухолифати раҳбарияти яқин орада Россия ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин билан учрашиш ниятида.***

Тожикистон демократик кучларини мувофиқлаштириш маркази бошқаруви раиси Отахон Латифий Россия ҳукумати Раисига шу мазмундаги мактуб етказилганлигини айтди. Россиянинг турли маҳкамаларидан минтақада кечаётган воқеаларга турфа фикр билдирилаётгани ана шундай учрашувни тақозо этмоқда.

О. Латифий Тожикистон раҳбарияти билан мухолифат ўртасидаги музокараларнинг 5 босқичи Алматида ёки Теҳронда ўтказилиши мумкинлигини таъкидлади. Бу учрашувда ўт очишни тўхтатиш, мамлакат конституциявий тузуми билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.



СУРАТДА: Корея Республикаси манзаралари

## ЁМҒИР ҲАМ ОФАТ ЭКАН

***Ҳиндистон шимолидаги Жамму ва Кашмир штатида ёққан Муссон ёмғирлари оқибатида рўй берган сув тошқини 70 нафардан зиёд инсон умрига зомин бўлди.***

Табиий офатга қарши кураш бўйича комиссия вакилининг сўзларига қараганда, бу ерда ўтган куннинг ўзидаёқ 26 киши ҳалок бўлган ёхуд бедарак йўқолган. Штатнинг турли мавзеларида қарийб 500 та уй ва маъмурий бинолар вайрон этилган.

## ЭСКИСИГА ТАЛАБ КУЧАЙЯПТИ, ЯНГИСИ ҚИММАТМИ?

***Японияда ишлатилган автомобилларни сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,6 фоизга ўсди.***

Ўтган вақт ичида истеъмолчилар 488 минг 553 та машинани харид қилдилар, деб хабар беради жаҳон ахборот маҳкамалари.

## БАРИБИР ЕТМАЯПТИ-ДА

***Индонезия ўн йилдирки мамлакатдаги энг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти бўлган шоли етиштиришда мустақилликка эришишга интилади.***

Сўнгги йилларда бу борада катта ютуқларга эришилди. Бу йил мамлакатда 48 миллион тонна шоли ҳосили олиш мўлжалланмоқда. Бироқ, мамлакат ҳанузгача хориждан гуруч сотиб олишга мажбур бўлаётир. Фақат ўтган йилнинг охири, шу йилнинг бошидагина Индонезия чет элдан 2,4 миллион тонна гуруч харид қилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси жамоаси уюшманинг масъул ходими В. Насриддиновага ўғли

**МУТАЛОВ Фаррух Шоаҳмад ўғлининг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши девонининг жамоаси Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари фонди раисининг ўринбосари Б. Ҳамидовга онаси

**Насиба ЭШОНХОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси институтнинг Фармакогнозия кафедраси доценти **Зебохон МАВЛОНҚУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

